



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 22 май, № 107 (7887)

Шанба

Сайтимига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЛИЙ ЕВРОСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ЙИГИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 май куни видеоанжуман шаклида ўтган Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.



Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳузуридаги қузатувчи давлат макomini ушбу ташкилотнинг ўтган йил 11 декабрдаги саммитида олган эди. Ўтган даврда Евроосиё иқтисодий комиссияси билан ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва уни амалга ошириш бўйича уч йиллик Чора-тадбирлар режаси имзоланди. Мамлакатимиз вакиллари ЕОИИнинг кўп томонлама тадбирларида иштирок этмоқда. Жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бирлашманинг Саноат сиёсати бўйича кенгаши йиғилиши ва халқаро "Иннопром" кўргазмаси ўтказилди. Козогистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган Олий кенгашнинг

навбатдаги йиғилишида кенгаш Фахрий Раиси, Қозогистоннинг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбаев, Арманистон Республикаси Бош вазири вазифини бажарувчиси Никол Пашинян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, ЕОИИ ҳузуридаги қузатувчи давлат — Куба Президенти Мигель Бермудес ва Евроосиё иқтисодий комиссияси Хайъати Раиси Михаил Мясникович ҳам иштирок этди. Тадбир кун тартибидан иқтисодиётнинг турли тармақларида амалий ҳамкорлик қилиш ҳамда ЕОИИ

фаолиятини такомиллаштиришга доир долзарб масалалар ўрин олди. Давлатимиз раҳбари ўз нуктида ҳал этилиши ўзаро мувофиқлашган ёндашувларни талаб этувчи энг муҳим вазифаларга алоҳида тўхтади. Хусусан, қуйидагилар алоҳида қайд этилди: — савдо муносабатларини, шу жумладан, тўсиқларни бартараф этиш ва савдони нотариф тартибга солиш чораларини яқинлаштириш орқали янада кенгайтириш учун салмоқли салоҳият мавжуд; — мамлакатларимизнинг етакчи корхоналари ва ҳудудларнинг саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, Евроосиё тараққиёт банкини жалб қилган ҳолда иқти-

содиётнинг реал сектори тармақларида ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича лойиҳаларни илгари суриш муҳим аҳамиятга эга; — транспорт-транзит соҳасидаги долзарб масалаларни ҳал қилиш ва юк ташиш ҳажминини ошириш мақсадида ўзаро имтиёزلарни кенгайтириш лозим. Эпидемиологик вазиятнинг барқарорлашуви ва аҳолини эмлаш бўйича қўрилаган чора-тадбирларни ҳисобга олиб, минтақа мамлакатлари ўртасидаги мунтазам ҳаво ва темир йўл қатновини қайта тиклаш тақлиф этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг ЕОИИ солиқ ва боғжона маъмуриятчилиги, саноат, меҳнат мигра-

цияси ва туризм бўйича рақамли платформаларига улашиш имконияти кўриб чиқилмоқда, шунингдек, бошқа қатор устувор йўналишлар борасида ҳамкорлик қилиш имкониятлари ўрганилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сўзининг якунида мамлакатимизнинг қузатувчи давлат сифатида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигида анқ ва сезиларли натижаларга эришиш муҳим эканини яна бир бор таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАШАББУСЛАР, АНИҚ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШГА ҚАРАТИЛГАН ПРАГМАТИЗМ ВА ЮҚОРИ ИЗЧИЛЛИК ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИГА АЙЛАНДИ

21 май куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Евроосиё иқтисодий иттифоқининг қузатувчи давлати раҳбари сифатида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди. Ушбу воқеа халқаро ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотди. «Дунё» АА Ўзбекистон ва ушбу халқаро тузилма ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш истиқболларига оид фикр-мулоҳазаларни тақдим этди.

### «Халқ сўзи» учун махсус

#### Далия Чакар, «Ўзбекистон — Нидерландия» дўстлик жамғармаси раиси:

— Биз Ўзбекистондаги воқеалар ривож ва мамлакат ташқи сиёсатини диққат билан қузатмоқдамиз — уларнинг қўлама ва натижалари жуда таъсирчан. Бундан бир ойдан сал кўпроқ вақт аввал Ўзбекистон Европа Иттифоқининг «GSP+» умумий имтиёзлар тизимининг бенефициар-давлати макomini олди. Бир неча кун олдин БМТ Бош Ассамблеяси Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилинган резолюция қабул қилди. Бугун эса Ўзбекистон Президенти Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилишида нук сўзлади. Кенг микёсдаги сай-ҳаракатлар, глобал муаммоларни ҳал қилиш бўйича ташаббуслар, аниқ натижаларга эришишга қаратилган прагматизм ва юқори изчиллик замонавий Ўзбекистон, унинг ташқи сиёсати ва дипломатиясининг ўзига хос хусусиятига айланди.

Ўзбекистон раҳбари Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши саммитида сўзга чиқиб, бешта давлатни бирлаштирган ташкилотда ўз мамлакатининг устувор йўналишларини илгари суриди. Шунини таъкидлашни истардимки, Шавкат

Мирзиёев нукти ҳар доимгидек прагматизм билан ажралиб турди ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) доирасида бирлашган барча мамлакатлар халқлари фаронволигига хизмат қилаётган умумий натижаларга эришишга қаратилди.

Савдо тўсиқларини бартараф этиш, саноат кооперацияси ва рақамлаштиришни ривожлантириш, транспорт соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган ташаббуслар катта таассурот қолдирди. Шунингдек, тенг рақобатни таъминлаш, монопол ёндашувларнинг олдини олиш ва аниқ ижобий натижаларга эришиш йўлидаги давлат эътибор қаратишни истардим.

Хабаримиз бор, бугун Ўзбекистоннинг ЕОИИ фаолиятида тўлақонли иштирок этиш масаласи фаол муҳокама қилинмоқда, унинг афзалликлари ва бошқа жиҳатлари ўрганилмоқда. Менинг фикримча, Тошкентнинг ушбу иқтисодий тузилмага бўлган қизиқиши, авваламбор, республиканинг яқин, йирик ва табиий савдо шериклари билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга бўлган истак билан таъкидланади.

Бу мулкано мантқиқий интилишидир. Ўзбекистон минтақадagi энг кўп аҳолига эга давлат эканини ҳисобга олсак, унинг барқарорлиги ва раванқи, кўп жиҳатдан бугун Марказий Осиё барқарорлиги билан ҳам боғлиқдир.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда айнан Ўзбекистон илгари тасаввурга ҳам сиғдириб бўлмаган ижобий ўзгаришлар ва ташаббусларнинг марказига айланди. Сўнгги йилларда минтақадa амалга оширилаётган ушбу ўзгаришлар Марказий Осиё доирасида ҳамда минтақанинг яқин қўшнилари билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш зарурлигини намён этмоқда.

#### Рустум Вансу, Сринакаринвирот университети сиёсатшунослик кафедраси етакчи ходими (Таиланд):

— Ўзбекистоннинг Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилишида қузатувчи сифатида иштирок этиши мамлакатнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан яқин ҳамкорлик қилиш нияти ҳиддий эканидан далолат беради.

Ўзбекистон мазкур платформада бошқа аъзолар учун жуда керакли иштирокчи экани кўзга яққол ташланиб турибди. Мамлакат минтақадa юқори мавқега эга, минтақавий иқтисодий тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

COVID-19 пандемияси туфайли юзага келган глобал инкироз шароитида барча мамлакатлар, жумладан, ЕОИИ аъзолари жамият ҳаётининг барча жабҳасида барқарор ривожланишга эришиш учун иқтисодий, савдо, инвестиция ва туризм алоқаларини максимал даражада кенгайтиришдан манфаатдор.

Биз сўнгги йилларда Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилоти, ЕОИИ, шунингдек, Жанубий Корея билан ҳамкорлик доирасида минтақавий интеграция ва эркин савдо битимларида иштирок этишни фаоллаштириш мақ-

садида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни катта эътибор ва қизиқиш билан қузатиб келмоқдамиз.

Бу билан Ўзбекистон раҳбарияти халқаро ҳамжамиятга мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан очиклиги, ўзаро иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришдан манфаатдор эканини маълум қилмоқда.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан яқинлашуви Таиланд учун савдо-отиқчи кенгайтиришнинг янги имкониятлари нуктаи назардан муҳим аҳамиятга эга. Таиланд айни пайтда ЕОИИ билан савдо битими имзолаш арасида турибди. Бу эса ЕОИИ аъзолари билан савдо ва сарможий алоқаларни сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

#### Солиҳ Йилмаз, «RUSEN» таҳлилий маркази директори (Туркия):

— Президент Шавкат Мирзиёев ўз нуктида Ўзбекистон савдо тўсиқларини бартараф этиш йўлида ЕОИИ билан фаол ҳамкорлик қилишга тайёр эканини таъкидлади. У иштирокчи мамлакатлар ўртасида товарлар транзити учун ўзаро имтиёзлар бериш масаласини кўриб чиқишга чакирди. Бу фаол нуктаи назар Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим роль ўйнашини ва минтақанинг етакчи давлатлардан бири сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон ўзининг географик жойлашуви ва малакали кадрлари билан Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасида нафақат иқтисодий йўлак, балки ўзининг тарихий мавқеидан келиб чиққан ҳолда маданий йўлакни ҳам таъминлай олади.

«Дунё» АА.

## МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

Кеча «Аёл ва фан: гендер жиҳатлар» мавзуда халқаро онлайн конференция бўлиб ўтди.

### Конференция

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кириш сўзида Марказий Осиё мамлакатлари ва БМТ вакиллари бўлган бир гуруҳ етакчи аёллар ташаббуси билан янги платформа — Етакчи аёллар Марказий Осиё мулоқоти ташкил этилгани, у гендер тенглик масалалари бўйича минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун маслаҳат майдонига айланганини таъкидлади.

Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш соҳасида, шу жумладан, олий ўқув юрталарининг илмий-педагогик йўналишида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Хусусан, 2020 йилнинг декабрида Фарғона давлат университетинида илмий ва педагогик ходимлар орасида хотин-қизлар сонини кўпайтиришга, бакалавр, магистр ҳамда мустақил тадқиқотчи қизлар ижтимоий фаоллигини оширишга

қаратилган Гендер тенгликни тадқиқотлар маркази ташкил қилинди.

Тадбир давомида олий таълим тизимида гендер ёндашуви ва бошқарув механизмининг жорий этиш, хотин-қизларнинг фан ҳамда бизнес соҳасидаги малакасини ошириш масалалари кенг муҳокама қилинди, Озарбайжон ва Қирғизистоннинг бу борадаги тажрибаси ўрганилди. Шунингдек, Фарғона вилояти тадбиркор аёллари инновацион лойиҳалари, ёшларнинг оиладаги зўравонликка муносабати бўйича тадқиқот натижалари, қизларни технология касбларга жалб қилиш ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Конференцияда иштирокчилар таълим соҳасида гендер тенгликни таъминлаш юзасида ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлди.

«Халқ сўзи».

## БИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИ МУАССАСАЛАРИДА ШТАТ НОРМАТИВЛАРИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати, самардорлиги ва оммабоплигини ошириш, тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва макomini кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижадорлигини сифат жиҳатидан янги босқинга кўтариш энг устувор мақсадларимиздан бири ҳисобланади.

### Парламент назорати

Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 12 ноябрь куни имзоланган «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлоқ янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг янгилашган штат нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси белгиланган эди.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида айнан юқоридаги вазифа ижроси бўйича амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Тадбирда парламент қўйи палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш

бошқармаларига қарашли тиббиёт бирламчилиги вакиллари қатнашди. Тадбирда дастлаб соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Иноятовнинг «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида штат нормативларини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида»ги ахбороти эшитилди.

Депутатлар томонидан таъкидланганидек, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда соҳага оид қўллаб-қувватлаш чоралар қабул қилинди, шунингдек, тиббиёт соҳасини давлат томонидан молиялаштиришга ҳам эътибор кучайтирилди.



# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БИОХИЛМАХИЛЛИК — ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

22 май — Халқаро биологик хилмаҳиллик куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан пойтахтимиздаги Ботаника институти ҳамда Ботаника боғига пресс-тур ташкил қилинди.

## Сана

Мамлакатимизда табиат муҳофазаси, экологик барқарорлик ва биохилмаҳилликни сақлаш, қайта тиклашга катта эътибор қаратилаётган. Мазкур йўналишдаги илмий тадқиқот ишларига кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш мақсадида уюштирилган пресс-тур катнашчилари дастлаб Ўзбекистон Миллий гербарийи билан танишишди. Унда мазкур гербарийнинг биологик хилмаҳилликни сақлаб қолишдаги аҳамияти ҳақида сўзлаб берилди.

— Айни пайтда мамлакатимиз сарҳадларидан тўпланган гербарий намуналари Миллий гербарийнинг асосий қисмини ташкил этади, — дейди Ботаника боғи директори, биологик Фанлар номзоди Содикжон Абдиназаров. — Гербарийнинг тиллар коллекцияси 3 миңдан ортиқ намуналарни ўз ичига олади ва улар фан учун янги деб топиладиган ўсимлик турларининг илк намуналари, яъни шу ўсимлик турининг "паспорти" ҳисобланади. Тип намуналари коллекцияси тўлиқ рақамли форматга ўтказилган. Ўзбекистон Миллий гербарийи мамлакатимиздаги ботаник тадқиқотларнинг асоси ҳисобланади. Флора, ўсимликлар тизими ҳамда географияси, ўсимликлар қоплами, ресурсларнинг борасида олиб борилмаётган тадқиқотлар айнан гербарий фондида таянади.

Ўзбекистон Миллий гербарийи Марказий Осиёдаги энг йirik ботаник коллекция, дунёдаги 3 миң 750 дан ортиқ гербарийлар орасида биринчи 30 талик тарихига кирувчи ноёб илмий объект ҳисобланади.

Хозирги кунга келиб, Ўзбекистон Миллий гербарийи тадқиқот фаолияти учун зарур бўлган асбоб-анжомлар билан таъминланган. Янги ускуналар, сканерлаш воситалари харид қилиниш арасида. Жамоанинг асосини ёш олимлар ташкил этади.

Гербарий илмий фаолиятининг асосий натижалари табиатни муҳофазасида қилиш ва ундан фойдаланишга иxtиссослаштирилган давлат тузилмалари, олий ўқув юрталарига жорий этилмоқда. Шунингдек, олинган натижалар "Scopus", "WoS" базаларига киритилган нуфузли журналларда чоп қилинмоқда.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**  
(«Халқ сўзи»)

# «МАДАНИЯТ КАРВОНИ»ГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати ҳамда Маданият вазирлиги томонидан ташкил этилган «Тошкент — Орол» раллисига старт берилди.

## Хушxabар

«Маданият карвони» шiori остида бўлиб ўтаётган бу тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Маданият вазирлиги раҳбарияти, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, «Тошкент — Орол» раллиси давомида иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Урмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан махсус идишга тақдим этилган рақамли саволини денгизнинг қуриган қисмига олиб бориб экиши режалаштирилган.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф. Боқиев кунги кеча БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёев тақдир асосида қабул қилинган Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологияларни, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Оролбўйидаги вазиятни юмшатиш бўйича ишлар мунтазам давом этириб келинаётгани ҳам алоҳида айтиб ўтилди. Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлис Сенатида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитасига асос солиниши ва бу Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

да муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Сенат Кенгаши қарори асосида Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш юзасидан доимий асосда фаолият кўрсатувчи идоралараро ишчи гуруҳ ҳам ташкил этилган бўлиб, бу тузилма томонидан ҳудудда олиб борилаётган ишлар назорат қилиб келинмоқда.

Шу билан бирга, ишчи гуруҳ томонидан ҳудуд тарихи, урф-одатлари, маданий ёдгорликлари ва таниқли шахслари ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган ролик ва бадий фильмлар тайёрланди ҳамда ўтказилиши режалаштирилган «Маданият карвони» шiori остидаги тадбирларга старт берилди.

Маданият вазирлиги томонидан 23 — 25 май кунлари «IFNC» (Халқаро миллий либослар фес-

тивали) билан ҳамкорликда Испаниянинг халқаро тоифадаги «Азукар Морено» ҳамда Ўзбекистоннинг «Дил Орол» миллий либослар брендлари иштирокида Эллиққалъа туманида «Этно Арал» деб номланган фотосессия уюштирилди.

Шунингдек, 23 — 30 май кунлари ZO'R TV телеканали ҳамкорлигида Нукус шаҳрида «Омадли саёҳат» теледастурини тасвирга олиш ишлари ўтказилди.

Ўз навбатида, иштирокчилар бу тадбирлар Оролбўйида амалга оширилаётган ишларга жаҳон ҳамжамияти нигоҳини қаратишга, маданий-маърифий тарғибот ишларини кучайтиришга, маҳаллий аҳолининг тарихи, маданияти, урф-одатларини кенг тарғиб қилиш, туризм, шу жумладан, ички имкониятлардан кенг фойдаланишга хизмат қилишини таъкидлади.

«Халқ сўзи».



## БУ ШУНЧАКИ ТАДБИР ЭМАС

«Мўйноққа мадад» экологик хайрия веломарафонига Андихон вилоятининг Хонобод шаҳрида кунги кеча старт берилди.

## Веломарафон

Экологик хайрия марафонини ўтказишдан мақсад мамлакатимизда велоспортни оммалаштириш, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш билан бир қаторда, Оролбўйи ҳудудида яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ҳамда кенг жамоатчилик эътиборини долзарб экологик муаммолар ечимини топишга қаратишдан иборат.


— Ушбу тадбир ўзининг эзгу амали билан хайрли, — дейди тадбир иштирокчиси Сардорбек Содиков. — Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудуди бўлиши

Хонобод шаҳридан бошланган веломарафон Қорақалпоғистонга бўлган манзил бўйлаб давом этади. Бу шунчаки тадбир эмас, балки халқимизга хос бўлган меҳр-муруват ифодаси ҳамдир.

Мазкур экологик хайрия веломарафонини доирасида жалб этилган ҳомиёлик ҳамда хайрия маблағлари Мўйноқ туманидаги Али-овул қишлоғини обод қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилди.

**Саминжон ҲУСАНОВ**  
(«Халқ сўзи»).

# СИНОВ ТАРИҚАСИДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШДАН МАҚСАД НИМА?



Ҳар бир ишни бошлашдан аввал у чуқур таҳлил қилиниб, ўрганилса, натижа ҳам шунга мос бўлиши тайин, албатта. Аҳолини рўйхатга олиш тадбири ҳам кенг қўламли, узоқ вақт ҳамда кўп маблағ талаб қилиши инobatга олинса, унга пухта тайёргарлик қўриш тақозо этилиши ўз-ўзидан аён. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш ҳар ўн йилда бир мартаба амалга ошириладиган ушбу тадбирнинг ташкилий ва методик принципларини, дастурий-техник таъминоти ҳамда маълумотларни қайта ишлашнинг технология жараёнларини синовдан ўтказишга имкон берувчи муҳим босқичдир.

## Қарор ва ижро

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Европа бўйича иқтисодий комиссияси аъзо давлатларга ҳар ўн йилда камидан бир мартаба аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни тавсия этади. БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг аҳолини рўйхатга олиш бўйича экспертлари тавсияларига кўра, одамларни ялпи рўйхатдан ўтказишнинг барча жараёни юзасидан пухта тайёргарлик қўриш мақсадида синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни амалга ошириш зарур.

Халқаро ташкилотлар экспертлари фикрлари ва ҳорижий давлатлар тажрибаларига асосан, рўйхатга олишнинг синови аҳолини ялпи рўйхатдан ўтказиш вақтидан камидан 2 йил олдин бажарилиши ва жами аҳолининг 2 фоизидан ошмаган ҳолда қамраб олинишини таъминлаш мақсада мувофиқдир.

Айрим давлатларда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш қонун билан (Арманистон, Молдова, Беларусь, Қирғизистон ва Тожикистон), баъзиларида эса ҳукумат қарорлари билан белгилаб қўйилган. Ҳар бир давлат синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишда, жами аҳолининг неча фоизини қамраш ва қайси ҳудудларни танлашни ўзи белгилайди.

Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш аҳолини ялпи рўйхатга олишга тайёргарлик қўришда узоқ вақтдан бери бажариб келинаётган амалиётдир, чунки у кенг миқёсдаги услубий технология ва ташкилий масалаларни ишлаб чиқишга имкон беради. Ушбу тадбирга тайёргарлик

қўриш ҳамда ўтказишда, жумладан, синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тартиби тўғрисида Низом, услубий қўлланмалар, ўқув материаллари ва дастур, рўйхатга олиш варағи шакллари ишлаб чиқилади.

Шу билан бирга, синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш учун ҳудудлар танланади, ушбу ҳудудларнинг картографик материаллари (туман хариталари ва аҳоли пунктларининг схематик режалари) тайёрланади, картографик материаллар асл ҳолат билан солиштирилиб, уй-жойлар рўйхати тузилади, танланган ҳудудлар ҳисоб, инструкторлик ҳамда рўйхатга олиш участкаларига ажратилади ва синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режаси ишлаб чиқилади.

«Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш қайд этилган бўлиб, унинг тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, деб кўрсатилган. Шунга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2021 йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари Андихон вилоятининг Хўжабод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни

қўриш ҳақида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тартиби тўғрисида Низом, услубий қўлланмалар, ўқув материаллари ва дастур, рўйхатга олиш варағи шакллари ишлаб чиқилади.

Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом, 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш дастури, 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари, Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш ҳамда натижаларини эълон қилиш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш варағи бешта шаклдан иборат. Бундан ташқари, фуқаро доимий яшаш жойидан бошқа жойда вақтинчалик бўлиб турганида, ушбу икки манзилда ҳам рўйхатга олиниб, аҳоли сонини сўбий равишда ошиб кетмаслиги, яъни бир шахсни икки мартаба аҳоли сонига қўшиб юборишнинг олдини олиш мақсадида назорат варақаси ишлаб чиқилган.

Синов тариқасидаги аҳолини рўйхатга олиш қўйидаги муқаддат ва тартибда ўтказилади. Яъни 1 — 5 ноябрь кунлари интернет тармоғи орқали аҳолини рўйхатга олиш (5 кун) тадбири ўтказилади, ушбу амалиёт деярли барча ҳорижий давлатларда қўлланилмоқда. Бунинг натижасида вазирлик ҳамда идоралар, корхоналар, ташкилотларда ишлаётганлар, хо-

рижий давлатларда ишлаётган ёки таҳсил олаётган Ўзбекистон фуқаролари ва интернетдан фойдалана оладиган бошқа аҳоли қатлами интернет тармоғи орқали синов тариқасида аҳолини рўйхатдан ўтказиш жараёнида қатнашиши учун қўлайлик яратилади.

6 — 10 ноябрь кунлари интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали рўйхатдан ўтган респондентлар ва уларнинг уй манзиллари рўйхати шакллантирилади (5 кун).

5 кун мобайнида интернет орқали аҳоли рўйхатдан ўтганлар ичидан синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш ҳудудларига тегишлилари ажратиб олинди ва ушбу манзилларга рўйхатга олувчилар бормайди.

11 — 22 ноябрь кунлари аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари асосида уйма-уй юрган ҳолда аҳоли рўйхатга олиниди (12 кун, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномага асосан), ушбу жараён синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишнинг энг муҳим кўلىминацион даври ҳисобланади. Ушбу жараёнда рўйхатга олувчилар бириктирилган ҳудуд бўйича уйма-уй юрган ҳолда аҳоли ўртасида сўров ўтказиш орқали рўйхатга олиш саволномаларини тўлдирди.

Рўйхатга олиш жараёни тўлиқ қоғоз шаклида амалга оширилади.

23 — 25 ноябрь кунлари ҳар бир ҳисоб участкасидаги уй-жой манзилларининг 10 фоизини танланма равишда назорат кузатуви асосида ўрганилади (3 кун), яъни рўйхатга олувчилар томонидан аҳоли ўртасида сўров ўтказиш орқали уйма-уй юрган ҳолда аҳоли ҳолат билан солиштириш ишлари якунилади.

Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишнинг ўтказиш, унинг натижалари, ташкилий режалар, амалга оширилган ишлар, олинган тажрибалар юртимизда 2023 йилда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, албатта.

Шерзод ДУШАЕВ, Давлат статистика қўмитасининг рўйхатга олиш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Буғунги кунда Давлат статистика қўмитаси мутахассислари ва ҳудудий статистика органлари маънафадтор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда бир қатор кеңиштириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ва Қочқорлар ишлари бўйича олимпия комиссияси бошқармаси (UNHCR) экспертлари, ЕИнинг мамлакатимиздаги вколатхонаси, Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Россия Федерацияси ҳукумати ҳамда МДҲга аъзо мамлакатлар статистика қўмиталари мутахассислари билан биргаликда онлайн вебинарлар ташкил қилиниб, тажриба алмашилмоқда ва амалиётга татбиқ этилмоқда. Белгиланган 4 та ҳудуд бўйича алоҳида ҳар бир маҳаллага ҳодимлар бириктирилиб, синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишнинг мазмун-моҳияти тушунирилмоқда.

Буғунги кунга, яъни 2020 йилнинг 2 — 6 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманидаги Доншизманд ва 2020 йилнинг 23 — 27 ноябрь кунлари Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги Усмонобод маҳаллаларини тўлиқ қамраб олган ҳолда, тажриба тариқасида аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари ҳамда уларни тўлдириб йўриқномаси лойиҳаларини дастлабки синовдан ўтказиш бўйича кузатувлар ўтказилди.

Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш ўтказиладиган ҳудудларда — Хўжабод туманининг 36 та, Юқори Чирчиқ туманининг 47 та, Яшнобод туманининг 58 та ва Хива шаҳрининг 21 та маҳаллалари хариталарини жойидаги ҳолат билан солиштириш ишлари якунилади.

Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишнинг ўтказиш, унинг натижалари, ташкилий режалар, амалга оширилган ишлар, олинган тажрибалар юртимизда 2023 йилда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, албатта.

Шерзод ДУШАЕВ, Давлат статистика қўмитасининг рўйхатга олиш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

# ЭЪЛОНЛАР

## ХўРАТЛИ «RAVNAQ-BANK» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИ!

«Ravnaq-bank» акциядорлик жамияти (почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100021, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 2-уй, e-mail info@ravnaqbank.uz, веб-сайт http://www.ravnaqbank.uz) банк кузатув кенгашининг қарорига асосан, 2021 йил 14 июнда банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши белгиланганлигини маълум қилади.

- 11. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
  - 12. Банкнинг 2021 йил учун ташқи аудиторини тасдиқлаш;
  - 13. Ички меъёрий ҳужжатларни янги таҳрирда тасдиқлаш;
  - 14. Банк ҳисоб рақамларидаги умидсиз активларни ҳисобдан чиқариш.
- «Ravnaq-bank» АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 2-уйда 2021 йил 14 июнь соат 10.00 да бўлиб ўтади. Акциядорларини умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш соат 9.30 дан 10.00 гача амалга оширилади.
- Банк акциядорларини умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар рўйхати 2021 йил 20 май операция кунини якунига кўра шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади. Банк акциядорлари умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорлар рўйхати 2021 йил 8 июнь ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.
- Йиғилишда шахсан иштирок этишингизни ёки ўз вақилингизни нотариал тасдиқланган ишончнома билан қатнашишини таъминлашингизни сўраймиз. Акциядорлар умумий йиғилиши материаллари билан қўйидаги манзилда танишиш мумкин: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 2-уй, «Ravnaq-bank» АЖ, телефон: 71-202-01-02.
- Банк кузатув кенгаши ва бошқаруви.

## PAVEL BENKOV NOMIDAGI RESPUBLIKA IXTISOSLASHTIRILGAN RASSOMLIK MAKTABI

### 2021/2022 o'quv yili uchun 7-sinfni tugatgan iqtidorli o'quvchilarning qabulini e'lon qiladi.

Hujjatlar 2021 yil 1 iyundan — 30 iyungacha qabul qilinadi.

**Tanlova ishtirok etish uchun o'quvchilardan quyidagi hujjatlar talab etiladi:**

- direktor nomiga ariza (yo'nalishi, mutaxassisligi, o'qish tili ko'rsatilgan holda);
- tug'ilganlik to'g'risida guvohnoma nusxasi;
- 7-sinf yakuni bo'yicha o'zlashtirish ko'rsatkichlari haqida tabel; bolalar musiqa va san'at maktablarini tamomlaganlik to'g'risida guvohnoma (mavjud bo'lsa);
- 086-U va 063 shakllar bo'yicha ma'lumotnomalar;
- 3x4 sm hajmdagi 6 ta fotosurat;
- ta'lim yo'nalishlari bo'yicha o'quvchining iste'dod va iqtidorini ko'rsatuvchi ishlaridan namunalari (diplom, faxriy yorliq, fotosurat hamda boshqa ijodiy ishlar namunalari) (agar mavjud bo'lsa);
- chet el fuqarolari qonunda belgilangan tartibda qabul qilinadi.

Maktabning quyidagi telegram, Instagram va elektron pochta shifalari orqali ham qabul bo'yicha to'liq ma'lumotlarga ega bo'lishingiz mumkin.

benkovqabul2021 p\_benkov benkovartschool@umail.uz

**Pavel Benkov nomidagi respublika ixtisoslashtirilgan rassomlik maktabi 2021/2022 o'quv yili uchun quyidagi ta'lim ixtisosliklari bo'yicha qabul e'lon qiladi.**

1. Tasviriy san'at — tayyorlov yo'nalishlar.
2. Amaliy san'at — tayyorlov yo'nalishlar.

**Telefonlar: 71-245-05-56, 71-245-07-65.**

